

## Покистонда 3500 та Қуръон ўқитувчилари тайёрланмоқда



15:00 / 10.06.2019 2894

Мамлакатдаги Қуръон таълими киритилмаган ўрта мактабларда ўқувчиларга Қуръони Каримни ўргатиш бўйича қўшимча тарзда 3500 та ўқитувчи тайёрланмоқда. Бу ҳақда IQNA маълумот беради.

Покистон Қуръони карим таълимини тартибга солувчи ташкилот ходимаси Фотима Шаҳобнинг маълум қилишича, Қуръони Каримни ўргатиш бўйича тўртта ўқув қўлланма ишлаб чиқилган. Тайёрланаётган ўқитувчилар 17 ёшгача бўлган ўспиринларга Каломуллоҳдан дарс беради.

Айрим мактабларимизда Қуръони Карим таълимининг йўқлиги ва бу йўналишдаги ўқитувчиларнинг етишмаслиги анчадан буён муаммо бўлиб турган эди дейди, Фотима Шаҳоб. — Ҳозирда бошлаган хайрли ишимиз шу

камчиликни бартараф этиш имконини беради. — Яқин кунларда 3500 та ўқитувчи мамлакат бўйлаб ўз фаолиятини бошлайди.

***Islom.uz*** портали таҳририяти